

Нукус шаҳрида “CALL CENTER” - тиббий маслаҳат маркази ўз фаолиятини бошлади

Қорақалпоғистон Республикаси Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш чора-тадбирларини мувофиқлаштириш бўйича тезкор штаби ҳузурида “CALL CENTER” - тиббий маслаҳат маркази ўз фаолиятини бошлади.

“CALL CENTER” - тиббий маслаҳат маркази ҳар куни 24 соат давомида Қорақалпоғистон Республикаси аҳолисини ижтимоий-тиббий ҳимоя қилишни кучайтириш, уларга тиббий-профилактик ёрдам кўрсатиш, “COVID-19” коронавирусини касаллиги белгилари пайдо бўлганда зарур маслаҳат ҳамда ахборот бериш бўйича туну кун узлуксиз фаолият олиб боради.

Марказга Нукус шаҳридаги Республика даволаш-профилактик муассасаларининг олий малакали шифокорлари жалб қилинган.

Ҳурмали фуқаролар!

Агар Сизда соғлиғингиз билан боғлиқ, яъни коронавирус касаллиги белгилари пайдо бўлганда “CALL CENTER” маслаҳат марказининг (61) 224 11 35 телефон рақамига қўнғироқ қилинг!

Маслаҳат маркази ҳар куни Сизнинг хизматингизда.

Ўзингизни ва ўзгаларни асранг!

□ Каналга ағза болыў - @QresMinistrlerKenesi